



ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

2006 йил, 26 октябрь, пайшанба

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 211 (10.768)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ
Бир кунни
Янгиликлар, воқеалар

Кечка
сатрларда

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги 145-мактабда туман халқ таълими бўлими, «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши ҳамкорликларида «Фуқаролик жамияти ва ёшлар» мавзусида уюштирилган ўқув семинарида пойтахт мактабларининг «Камолот» етакчилари иштирок этишди.

● **КЕЧА** Юнусобод туманида жойлашган Фуломмаҳмуд Абдуллаев номидаги 271-мактабда туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида уюштирилган тадбир «Тил — миллат таяничи» деб номланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан пойтахт вилоятида уюштирилган «Олтин олма» маданий-маърифий тадбирида шаҳримизнинг ёш келин-кўевлари ҳам иштирок этишди.

● **НИЗОМИЙ** номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорликларида талабалар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбирда таълим тизимини ривожлантиришда замонавий педагогик технологияларнинг аҳамияти борасида фикр алмашилди.

● **БУГУН** «Камолот» ЁИХ Миробод туман бўлимида туман Сардорлар ва Етакчилар Кенгашлари аъзолари иштирокида уюштирилган семинар «Камолот» да менинги ўрним» деб номланди.

● **АЛИШЕР** Навоий номидаги Санъат саройида Зулфидор Мусоков режиссёрлигида «Шарқ синима» студияси кино-ижодкорлари томонидан суратга олинган «Суиқасд» фильмининг тақдими бўлиб ўтди.

● **БУГУН** «Зарафшон» концерт залида «Камолот» ЁИХ Шайхонтохур туман бўлими Кенгаши ҳамда туман Болалар ижодий уйи ҳамкорликларида «Марварид» гурӯҳи хонандалари ижросида уюштирилган концерт томошаси «Янги Эски шаҳар» деб номланди.

● **МИРЗО** Улугбек туманидаги 53-мактабда ўқувчилар, ўқитувчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирокида «Ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш» мавзусида ўтказилган давра суҳбати туман халқ таълими бўлими, Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги 46-оилавий поликлиникада шифокорлар иштирокида ўтказилган «Тозалик — саломатлик гарови» мавзусидаги давра суҳбати Ҳомийлар ва шифокорлар йилгига бағишланди.

● **ҲОМИЙЛАР** ва шифокорлар йили муносабати билан 23-мехрибонлик уйда уюштирилган хайрия тадбирида тарбияланувчиларга мутасаддиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

● **МИРЗО** Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида «Мустақиллик ва ўзбек тили» мавзусида ўтказилган тадбирда ўқитувчилар, талабалар иштирок этишди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАҚТИРИШ ЙЎЛИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 25 ОКТЯБРДА «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»НИНГ ПАВИЛЬОНЛАРИДА ДАВОМ ЭТАЁТГАН «UZBEKISTAN AGROMINITECH EXPO - 2006» ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН МИНИТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИХЧАМ УСКУНАЛАРНИНГ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИГА ТАШРИФ БУЮРДИ.

Давлатимиз раҳбари кўргазма экспозицияларини кўздан кечирди. Бу ерда мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлаш, ун ва ем ишлаб чиқариш, богдорчилик ва узумчилик учун минитехника ва ускуналар, қадоқлаш-ўраш линиялари, ўсимликлар муҳофазаси учун кимёвий моддалар, қоракўлчилик ва терини қайта ишлаш, иссиқхона хўжалиқлари учун ускуналар кенг намойиш этилмоқда.

Мамлакатимиз азал-азалдан ширин-шакар, экологик тоза мева ва сабзавотлари билан машҳур. Бугунги кунда Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш бўйича нафақат МДХда, балки дунёнинг кўпгина мамлакатлари орасида етказиш ўринини эгаллайди. Бу давлатимиз раҳбарининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаш асосида тармоқда кенг қўламли тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишга қаратаётган улкан эътибори натижасидир. Ислохотлар деҳқон ўзини ернинг ҳақиқий эгаси деб ҳис қилишига, ўз меҳнати самараларидан манфаатдор бўлишига қаратилган. Юртимизда фермерлик ҳаракати кенгайишда, кичик бизнес корхоналари сони ортмоқда, бу эса етиштирилаётган маҳсулот ҳажминини ошириш билан бирга, унинг сифатини яхшилашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бирок республика агросаноат мажмуи экспорт салоҳиятини ошириш, етиштирилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишларни янада тақомиллаштириш, яъни ҳосилни йиғиб олиш билан чекланмасдан, маҳсулотни қайта ишлаш ва қадоқлаш бошқичига етказиш талаб этилади. Бунинг учун ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонаси энг замонавий минитехнологиялар ва ускуналарга эга бўлиши, улар ёрдамида маҳсулотни тез ва сифатли қайта ишлаш олиши зарур.

Бу муҳим муаммо ўз ечимини топмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 августдаги қарорига кўра «Ўзэксपोмарказ»да моҳияти ва кўлами жиҳатидан ўзига хос бўлган қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг ихтисослаштирилган халқаро кўргазмаси ташкил этилди. Унда дунёнинг 25 мамлакатидан қарийб 200 компания иштирок этмоқда. Улар орасида Германия, Исроил, Италия, Хитой, Польша, Россия, Туркия, Франция вакиллари бор.

Дунёдаги энг яхши техника билан танишиш ва уларни сотиб олиш бўйича шартномалар тузиш учун

кўргазмага мамлакатимизнинг барча вилоятларидан 3 мингдан ортиқ фермер, агрофирма ва кичик корхоналар раҳбарлари ташриф буюради. Харидларни молиялашнинг энг фойдали шартлари ҳусусида кўргазманинг ўзида уларга Ўзбекистон тижорат банклари, лизинг ва суғурта компаниялари мутахассислари маслаҳатлар бермоқда. Шартномаларни расмийлаштириш ҳамда сотиб олинган ускуналарни республиканинг исталган жойига етказиш борасида ёрдам кўрсатишмоқда.

Президент Ислам Каримов кўргазма доирасида фермерлар учун ташкил этилган семинар иштирокчилари билан учрашди.

— Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлардан, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришдан кўзлаган бош мақсадимиз — одамларга ерга, мулкка эгаллик ҳиссини шакллантириш орқали халқимиз фаровонлигини янада оқсатиришдан иборат, — деди давлатимиз раҳбари. — Чунки, моддий рағбат инсонни янги ташаббус ва ютуқларга етказайди. Кўргазма-савдо жараёнида замонавий техника ва технологияларни харид қилаётган фермерларимиз ўзи сарфлайдиган ҳар бир сўм эртага ўн баравар бўлиб қайтишини назарда тутмоғи зарур.

Бунинг учун фермер техникага харидор бўлиш асосида унинг энг замонавийсини, ўзини ҳар жиҳатдан оқлайдиганини танлаши лозим. Шунингдек, бундай минитехнологиялар ва ихчам ускуналарни харид қилишда фермер нафақат ўз ҳисоб рақамидagi маблағлардан, балки банклар кредитларидан ҳамда лизинг усулидан самарали фойдаланмоғи даркор.

Энг муҳими, деҳқон ва фермерларимиз ўзлари етиштирган маҳсулотларни фақат хомашё сифатида эмас, балки қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ҳолида ҳам сотиш ва шу орқали катта даромад олиш имкониятига эга бўлсин.

Юртбошимиз замонавий билимларни эгаллаётган бугунги ёшларимиз илгор техника ва технологияларни ўзлаштиришда ҳам ҳеч кимдан кам эмаслигини алоҳида таъкидлади. Шу маънода ушбу кўргазмада намойиш қилинаётган минитехнологиялар ва ихчам ускуналар билан ёшларимиз яқиндан танишишлари айни муддао бўлур эди.

Мазкур кўргазмада қатнашиш хорижий компаниялар учун ҳам фойдали. Хорижий иштирокчиларнинг фикрича, бу ерда мисли қўрилмаган қулай шартлоллар яратилган. Улар ўз ускуналарини Ўзбекистон ҳудудига боғжона тўловисиз олиб кириш имтиёзига эга бўлиб, сотиш эса қўшимча қиймат солиғи тўламай амалга оширилади. Бундан ташқари, «Ўзэксपोмарказ»нинг кўргазма

павильонлари уларга бепул тақдим этилган.

Мамлакатимиз раҳбари Германия, Австрия, Италия, Франция, Швеция, Польша, Россия компаниялари ва фирмалари маҳсулотлари билан танишиш чоғида улар намойиш этаётган минитехнологиялар ва ихчам ускуналарни харид қилиш билан кифояланиб қолмай, балки узоқ муддатли ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигига эътиборни қаратди.

— Кўргазмага келган фермерлар Минск ва Харьков трактор заводларининг маҳсулотларини таққослаб кўриши, уларнинг қайси бири бизнинг тупроқ-иқлим шароитимизга кўпроқ мос келишини ўрганиши лозим, — деди Ислам Каримов.

Юртбошимиз Хитой, Жанубий Корея, Туркия компания ва фирмаларининг кўргазмада намойиш этилаётган техника ва ускуналарини ҳам кўздан кечирди.

«Uzbekistan Agrominitech Expo - 2006» кўргазмасининг асосий натижаси фермерлар ва қишлоқ тадбиркорлари ўзлари танлаган ускуналарни етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш, ишлаб чиқарувчилар билан узоқ муддатли ҳамкорлик ўрнатишдан иборатдир. Пировадиди деҳқонларимиз ўз маҳсулотларини ўзлари қайта ишлаш, экспорт таннархини ва даромадларини ошириш имкониятига эга бўлади.

Эътиборли томони шундаки, 10 ноябрдан бошлаб ушбу кўргазма фермер ва деҳқон хўжалиқлари, агрофирмалар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи кичик корхоналар учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналар сотиладиган доимий фаолият кўрсатувчи кўргазма-савдо сифатида ўз ишيني давом эттиради.

— Бундай кўргазмалар дунё билан, дунёнинг энг илгор технологиялари, замонавий ускуналар билан танишиш имконини бериши билан ҳам аҳамиятлидир, — деди Президентимиз. — Ушбу минитехнологиялар ва ихчам ускуналарни сотиб олиш билан чекланмай, бундай техника воситаларини ўзимизда ҳам ишлаб чиқаришни, уларга сервис хизмати кўрсатишни йўлга қўйишни ўйлашимиз зарур.

Кўлами жиҳатидан ноёб бўлган мазкур халқаро кўргазма-савдонинг ташкил этилиши мамлакатимизда қайта ишлаш корхоналарининг кенг тармоғини янада ривожлантириш учун хизмат қилади. Бу экспорт ҳажми, халқимиз фаровонлигини ошириш ва жаҳон хўжалик муносабатларида Ўзбекистон иштирокини янада кенгайтиришга кўмаклашади.

Анна ИВАНОВА,
Фулом МИРЗО,
Ўза мухбирлари

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига муборак Рамазон ҳайити муносабати билан қатор давлатлар раҳбарларидан самимий табриклар келиши давом этмоқда.

● Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Қатор вазирлик ва идоралар вакиллари қатнашган йиғилишда асосан Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджети лойиҳаси ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

● Кеча «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашида ҳаракатнинг янги таҳрирдаги дастури лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишчи гурӯҳи аъзоларининг йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда таъкидланишича, янги таҳрирдаги дастурнинг ҳар бир баъдида аниқ тамойилларга асосланган вазифалар акс этиши лозим.

● Тошкентда «Ўзгонефтгазчиқариш» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон нефть ва газ саноати илмий-тадқиқот лойиҳалаш институти, Ўзбекистон нефть ва газ саноати илмий муҳандислик жамияти ва Ўзбекистон Давлат техника университети ҳамкорлигида «Нефть, газ ва газ конденсати конларининг ишланиши ва уларни ҳал этиш муаммолари» мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

● Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил тоналлигининг 15 йиллиги жойларда кенг нишонланмоқда. Партия ташкилотлари томонидан турли тадбирлар, учрашув ва мулоқотлар ўтказилмоқда.

● Мартен цехида қиздиришнинг янги технологиясининг жорий этилиши «Ўзметкомбинат» агросаноат бирлашмасига бир йилда 500 минг долларлик маблағни тежашга имконият яратди.

● Самарқанд вилояти, Жомбой туманида фаолият кўрсатаётган «AMIN INVEST INTERNATIONAL» Ўзбекистон-Россия-Англия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган сифатли тўқимачилик маҳсулотларининг 90 фоиздан ортиғи хорижга экспорт қилинмоқда. Таъкидлаш керакики, ушбу корхонада мурувват ишларига ҳам катта эътибор қаратилади. Қўшма корхона тумандаги бир неча мактаб ва вилоятдаги қўлаб Мехрибонлик уйлари хомийликка олган. Фақат жорий йилнинг ўзида корхона томонидан 3,5 миллион сўмлик хомийлик ёрдами кўрсатилди.

● «Сурхон озиковақтасаноати» акциядорлик жамияти жамоаси янги ҳосил уруғларидан тайёрланган юқори сифатли пахта ёғининг дастлабки туркумини экспортга жўнатиш учун тахт қилиб қўйди. Ушбу акциядорлик жамиятининг маҳсулотлари Эрон, Афғонистон ва Тожикистонга экспорт қилинади.

● Самарқанддаги сифатли маҳсулотлари билан танилган «Каноп» корхонаси ўзининг тиббиёт марказини очди. Эндилдида бу ерда корхона ишчи-хизматчилари учун ультраовуш аппаратурасида ташхис текширувидан ўтиш, ЭКГ натижасини олиш, физиотерапевтик муолажалардан фойдаланишга кенг имкониятлар яратилди.

ЖАҲОНДА

● Россия Президенти Владимир Путиннинг мамлакат аҳолиси билан эфир орқали жонли мулоқоти бўлиб ўтди. Уни унга телеканал ҳамда иккита радиостанциялар эфирга узатди. Президентнинг аҳоли билан бешинчи бор ўтказилган бевосита мулоқоти 2 соат 54 дақиқа давом этди. Расмий маълумотларга қараганда, телевизор, радио, телефон, Интернет ва SMS орқали 2 миллионга яқин савол келиб тушган.

● Датафолья институту томонидан ўтказилган ижтимоий сўров натижаларининг кўрсатишича, Бразилиянинг амалдаги Президенти Луис Инасиу Лула да Силванинг шу йил 29 октябрь куни бўлиб ўтадиган иккинчи тур президент сайловида галаба қозонишига имконият катта.

● Буюк Британия Ички ишлар вазири Жон Рид Болгария ва Руминиядан Англияга ишлаш учун келаётган фуқароларга нисбатан чеклов чоралари қўрилишини билдирди.

● Утган куни Газо секторида «Ассошиэтед пресс» ахборот агентлигининг фотомухбири Эмилио Моринатти жангарилар томонидан ўғирлаб кетилди. Бирок, тез орада фотомухбир озод этилди. Ҳозирча журналист кимлар томонидан, қандай мақсадда ўғирланиб, нега озод этилгани номаълум.

● Кеча Япон денгизини Россиянинг сувга гарқ бўлган «Синегоре» кемаси экипажининг яна олти нафар аъзоси кутқарувчилар томонидан денгиздан чиқариб олинди. Қизиги шундаки, беш нафар экипаж аъзоси резина қайиқда жон сақлаган бўлса, олтинчи денгизчи икки кун давомида бўлағи тирмашган ҳолда кутқарувчиларга интизор бўлган. Ҳозирда яна олти нафар экипаж аъзосининг тақдирини номаълумлигича қолмоқда.

● Шахмат бўйича бир неча бор жаҳон чемпиони россиялик Анатолий Карпов Мексика пойтахтида ўтказилган шахмат фестивали доирасида ўз биографиясининг 1951 нуқсасига дастхат ёзгани ҳолда Гиннеснинг Рекордлар китобига киришга муваффақ бўлди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 27 октябрь куни Тошкентда ҳаво ўзағари туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шимол эсади. Кечаси 10-12, кундузи 20-22 даража иссиқ бўлади.

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

МАМЛАКАТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛИБ ТУРГАН АЛЕКСАНДР ВЕШНЯКОВ РАҲБАРЛИГИДАГИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ РАИСИ МИРЗАУЛУБЕК АБДУСАЛОМОВ БИЛАН УЧРАШДИ.

Учрашувда икки мамлакат Марказий сайлов комиссиялари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, сайлов технологияларини ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳамда сайлов қончилигини демократлаштириш масалалари муҳокама этилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамда Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси ўртасида ҳамкорлик ва ҳуқуқий ахборот алмашиш тўғрисида протокол имзоланди.

Ушбу ҳужжатнинг Ўзбекистон ва Россия Марказий

сайлов комиссиялари раҳбарлари томонидан имзоланиши икки давлат Президентлари Ислам Каримов ва Владимир Путиннинг учрашувида эришилган келишувлар, жумладан Иттифокчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг мантиқий давомидир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси россиялик ҳамкасблари билан икки томонлама алоқаларни доимо мустаҳкамлаб, ривожлантириб бормоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси делегацияси жорий йилнинг март ойида Россия Федерацияси Марказий сайлов комис-

сиясининг Москвада бўлиб ўтган «Давлат Думасига сайловларнинг 100 йиллиги: тарих ва ҳозирги замон» мавзусидаги илмий-амалий конференцияда қатнашди.

— Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлигимизни юқори баҳолайман, — деди Александр Вешняков журналистларга берган интервьюсида. — Кейинги икки йил ичида сайловлар билан боғлиқ тадбирлар, шунингдек, Ўзбекистонда бу борада амалга оширилаётган ишлар бўйича ахборот алмашишувини изчил йўлга қўйганмиз. Бу ҳар икки томон делегацияларининг ташрифларини, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тартибга солувчи қўлаб меъёрий ҳужжатлар алмашиши ҳам ўз ичига олади. Бугун ушбу ҳужжатнинг имзоланиши мавжуд ва айни пайтда ўзаро фойдали алоқаларнинг мутлақо янги аҳамият касб этаётганининг амалий тасдиғидир. Менинچа, бу бизнинг муносабатларимиз янада ривожланиб, ўзаро фойда келтиришида муҳим омил бўлади. Россия ва Ўзбекистон ўртасида сайлов жараёни, сайлов ҳуқуқи соҳасидаги ҳамкорлик катта истиқболга эга, деб ҳисоблайман. Чунки замонавий тарих ва ўзаро муносабатларимизда муштарак жиҳатлар кўп.

Ўза

ВАТАНПАРВАР

Кузги чақирик—2006

ОЙ БОРИБ, ОМОН ҚАЙТИНГ!

АЙНИ КУНЛАРДА БУТУН РЕСПУБЛИКАМИЗДА ВАТАН ХИМОЯЧИСИ БЎЛИША ЛОЙИҚ ДЕБ ТОПИЛГАН, САЛОҲЯТЛИ, АҚЛ-ЗАКОВАТЛИ, ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, КЎРИК-ТАНЛОВ ТАЛАБЛАРИДАН ЭНГ ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧЛАР БИЛАН ЎТГАН ЎҒЛОНЛАРИМИЗ МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ САФЛАРИГА КАТТА ТАНТАНА БИЛАН КУЗАТИЛМОҚДА.

Куни кеча Тошкент шаҳар чақирик пунктида навбатдаги кузатув маросими тантанасида иштирок этдик. Ҳарбий оркестр садолари остида бир текисда сафланган, бир хил спорт кийимларини кийган бўлғуси аскарлар ҳис-ҳаяжони гўёки бизга ҳам кўчгандек бўлди. Ватанимиз мадҳияси янграганида кўларини кўксиларига қўйиб, мағрур турган йигитларни ку-

затиб юракларимиз беихтиёр ғурурга тўлди.

—Азиз ўғлонлар! Мана бугун сиз ўз йигитлик бурчингизни бажариш, ўз уйингиз, ота-она, қавм-қариндош, кўчаю-маҳаллангиз, бир сўз билан айтганда она-Ватанингиз, халқингиз, муқаддас юрт туپроғини ҳимоя қилишга отландингиз,— деди жумладан кузатув маросимини очар экан Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник Бахтиёр Махмудов.—Сизлар, ҳақиқий ўзбек заминининг асл фарзандлари барча синовлардан аъло даражада ўтиб Муσταқил юрт аскарлари деган шарафли номга мурасид бўлдингиз. Бугун сизларга оқ йўл тилаймиз, хизмат жойларингизга бориб, сергаллик, ҳушёрлик ва поклик билан хизматни ўташингиз, барча кийинчиликларни мардонвор энгиб, Республикаимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ҳамда Ватанимизнинг тинчлигини таъминлашда ҳарбий бурч ва ҳарбий касамедга содиқ бўлиб, марду майдон, жасур ўғлонлар каторидан ўрин оласизлар деб ишонамиз.



Шундан кейин сўз олган «Маҳалла-жамғармаси, «Камолот» ЕИХ вакиллари, ота-оналар ва бўлғуси аскарлар ҳам юрт ҳимоячиларига омад ва зафарлар, хизматни яхши ўтаб ёруғ юз билан қайтишларига тилак билдиришди.

Дўстлари, тоғажиянлар даврасида кадрдонлари билан шўх-шодон хайрлашаётган йигитларга қараб нафақат ҳарбийда, балки ҳар бир соҳада бўлаётган ислохотлар беиз кетмаётганига амин бўлдик. Бўлғуси аскарларнинг Ўзбекистон Куролли Кучларининг Марказий ашула ва рақс ансамбли, Абдор Хидоятлов номидаги ўзбек драма театри артистлари ижросида янграётган шўх ашула ва рақсларга жўр бўлаётганларини кўришнинг ўзи завқли, кўнгилни кўтарди.

Мана юрт посбонларига Юнусобод туман ҳокимлиги, туман мудофаа бўлими ва «Камолот» ЕИХ Юнусобод туман бўлимларининг эсдалик совғалари топширилди. Ота-оналар, бўлғуси аскарлар ва кузатувчиларнинг ҳамма-ҳаммаси чиройли байрам дастурхонига тақдир этилди. Ватан ҳимоячилари эсдалик учун ота-оналари бағрида расмга тушишди.

Даврага Ўзбекистон халқ артисти Мавлудхон Асалхўжаева кириб келиб, ҳарбий хизматга жўнаётган барча ўғлонларни муборакбод этиб, ўзининг шўх ашуллари билан кузатув кечасининг янада жонли ва мароқли ўтишига хисса қўшди. Бизнинг ёнгинамизда, кўзларидан севиңч ёшлари билан сафда турган ўғлонига термулиб турган онахони суҳбатга тортидик.

—Шайхонтоҳур туманининг «Тинчлик» маҳалласида истиқомат қиламан,— дейди Гузал Алимхамедова.—Тўрт нафар фарзандим бор. Уч қиз, бир ўғил. Мана бугун биттагина ўғлим Сарварни кузатишимиз. Ўғлим ўзи хизматга боришни астойдил хоҳлади, туман «Ватанпарвар» ташкилотидан хайдовчиликка ўқиди. Яхши хизмат қилиб келиб, олий ўқув юртига кирман деб ният қилди. Илоҳим, ой бориб омон келсин.

—Менинг ҳам тўрт нафар фарзандим бор, бугун учинчи ўғлим Раҳматуллоани



кузатишимиз,— суҳбатимизга қўшилди ўзини Турдий Раҳматуллоева деб таништирган онахон.—Шу кўнчага ўғлим матбаа касб-ҳунар коллежини аълога тугатди. Хизматга бориб келиб институтга кирмоқчи, ниятига етсин. Оллоҳга шукр, юртимиз тинч, хизматга бориш фахр бўлиб қолди.

—Мени ҳам ёзинг, исмиим Бехзод,— дейди бўлғуси аскар.—Хаво десанти кўшинларида хизмат қилишни ёшлиқдан орзу қиламан. Мана ниҳоят хизматга чакирилдим. Ниятим энг қобилиятли, сергал, мард жангчилар сафидан ўрин олиш.

Шу вақт сафда биз томонга қараб мийғида кулиб турган бўлғуси аскар келиб ёнгинамизда турган онахонини рақсга тақдир қилди. Она ва фарзанд. Улар кўнглидан кечаётган ҳис-ҳаяжонини таърифлаб ўтиришга ҳоҳат йўқ. Севиңч, соғинч ёшлари бизнинг ҳам кўзларимизга беихтиёр инди. Истараси иссиқ Фаррухон онахони атрофидан айланаркан, тинч-осуда осмон, муσταқил юртда яшаётганимизга беадад шукрлар қилдик.

Хаблимиздан азиз ўғлонлар, сизлар аждодларимиз Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Жалолдин Манғуберди ва Амир Темур каби буюк саркардалар авлодидан эканлигини ва уларнинг покиза рухлари ҳаммиса сизни кўлаб туришини асло унутманг, деган фикрлар ўтди.

Азиза МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: шаҳар чақирик пунктида бўлиб ўтган кузатув маросимидан лавҳалар.

«МЕН АСКАРМАН»

ЁШЛАР ҚАЛБИДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУЛАРИНИ УЙҒОТИШ, УЛАРНИ ОНА ЮРТГА МУҲАБАТЛИ, САДОҚАТЛИ ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ МАҚСАДИДА «КАМОЛОТ» ЕИХ СОБИР РАҲИМОВ ТУМАН БЎЛИМИ ТОМОНИДАН БИР ҚАТОР ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИБ КЕЛИНМОҚДА.

Хусусан куни кеча туман сардорлари ва мактабларнинг юқори синф ўқувчиларининг ҳарбий қисм ҳаёти билан танишишларини уюштиришдан ҳам юқоридаги хайрли мақсадлар қўзланди.

—Бундай тадбирни ўтказишдан мақсад «Камолот» ЕИХ ҳаракати фаоллари ва ёшларни ҳарбийлар ҳаёти, уларнинг хизмат тарзи билан яқиндан таништириш ва ҳарбий хизмат ҳақида кўникма ҳосил қилишдир,— дейди бу тўғрида «Камолот» ЕИХ Собир Раҳимов туман «Камалак» болалар ташкилоти раиси Ҳабиба Муҳамедова.—Токи улар Ватан посбонларига яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, хизмат нуфузини англаб, қалбларида она-Ватанга муҳаббат руҳини ҳис қилсинлар, ҳарбий хизматнинг ҳар бир юрт фукароси учун шон-шараф эканлигини тушуниб етсинлар.

Камола ШОРУСТАМОВА

Тадбирлар

ТИЛ — ОНА АЛЛАСИДАН БОШЛАНАДИ

ТИЛ—МИЛЛАТ КЎЗГУСИ. УНГА ЭЪТИБОР БИЛАН ЁНДАШМОҚ, СОФИЙИГА КЕЛГУСИ АВЛОДГА ЕТКАЗИШ ҲАР БИРИМИЗНИНГ ОЛДИМИЗДАГИ ЭНГ АСОСИЙ БУРҶЛАРИМИЗДАН БИРИДИР.

Шаҳримиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида, боғ маъмурияти ва Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлими ўзаро ҳамкорликда ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 17 йиллигига бағишланган «Тилга ихтиёрсиз—элга эътиборсиз» мавзусидаги тадбирни ташкил этишди. Унда тумандаги барча рус, ўзбек мактаблари ўқувчилари ўзларининг шеър, кўшиқ, рақслари ҳамда сахна кўришлари билан қатнашдилар.

—Барча мактабларимиз ушбу тадбирга алоҳида тайёргарлик кўришди,— дейди биз билан суҳбатда туман халқ таълими бўлими услубчиси Раёно Ортиқова.—Тадбирни ўтказишдан мақсад ўқувчиларни ўз тилига меҳр қўйиши баробарида унинг аҳамиятини, жамиятда тутган ўрнини янада чуқурроқ англашга ундашди. Ҳаётимизда оналаримиз алласидан бошлангани, миллатимиз кўзгуси бўлган тилимизга давлатимиз муσταқиллигидан сўнг ўзгача аҳамият қаратилди. Ҳозирда эътибор берсақ юртимизга хориждан келиб иш бошлаётган катта-катта тадбиркор, чет эл инвесторлари ҳам ўзбек тилини ўрганишга ҳаракат қилишмоқда. Шунингдек, хорижий давлатларда фаолият юритаётган элчи-хоналаримиз ҳам тилимизнинг ҳақон маданиятидаги салмоқли ўрнини яна бир бор таъкидлаш билан бирга ривожланишига ҳам ўз улушларини қўшишмоқда.

Тадбир кўтаринки руҳда ўтиб, ўзбек тилининг бойлиги ўқувчилар томонидан ҳар томонлама кўрсатилди. Байрам сўнгидан эса Толибжон Содиқов номидаги шаҳар маданият уйи қошидаги «Олтин водий» ҳамда Республика халқ ижодиёти маркази қошидаги «Дурдона» дасталари хонанда ва созандалари ўз чиқишлари билан йиғилганларни хушнуд этишди.

Шахло ҲОШИМОВА

Иқтисодиёт

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИ ТАЛАБЛАРИНИ ТЎҒРИ АНГЛАБ, ИЗЛАНИШЛАРИНИ ТЎХТАТМАЙ, МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИГА АСОСИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТАётган ҚОРХОНАЛАР ЯНГИЛИК ЯРАТИШДАН АСЛО ЧАРЧАШМАЯПТИ...

Юртимизда узок йиллар давомида ўз сифатли маҳсулотлари билан машҳур бўлган йирик қорхоналардан бири «Тонг» акциядорлик жамияти цехлари бугунги кунда қайтадан модернизация қилинмоқда. Бу албатта, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, келгуси истиқболни кўзлаб амалга оширилмоқда. Ушбу жамият жамоаси кузги-қишки мавсумга мўлжалланган эркак ва аёллар устки кийимларини тикишади.

2005 йил 1 декабрда ишлаб чиқариш кўрсаткичи 1 миллиард сўмни ташкил этганлиги шубҳасиз, қорхона маҳсулотларининг харидорлигини тасдиқлайди. Ҳозирда мазкур жамият 5 та масъулиятли чекланган жамиятларга бўлинди. Улар—«Тонг-қувонч», «Тонг-текстиль», «Тонг-тикувчи», «Тонг-стил» ҳамда «Люкс-сервис»-дир. Бу янгиликка қўл урган жамият раҳбарияти иқтисодиётимизда босқичма-босқич олиб борилаётган ислохотларга ҳамохан бўлишни эзгу мақсад қилганлар. Боиси, кичик қорхоналарни юритиш нисбатан осон.

Ишлаб чиқаришни замонавийлаштиришга қаратилган катта эътибор маҳсулот турларини кўпайтиришга, сифатини оширишга эришишнинг омилли эканлигини жамият тадбиркорлари тўғри англаганлар.

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР

ПОЙТАХТИМИЗДА ИЧКИ БОЗОРИМИЗНИ РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИШНИ КЎЗЛАБ ФАОЛИЯТ ЮРИТАётган ҚОРХОНАЛАР ЙИЛДАН-ЙИЛГА КЎПАЙИБ БОРАётганлиги ҚУВОНАРЛИ, АЛБАТТА. УЛАРГА БУНИНГ УЧУН ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ЕТАРЛИ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ВА ҲУҚУҚИЙ ХИМОЯ ТАЪМИНЛАНГАН.

«Dekol-servis» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси жамоаси ҳам бунёдкор халқимизга сифатли, кўркам, узок муддат хизмат қилишга мўлжалланган фризлар ишлаб чиқармоқда. Мазкур хусусий фирма жамоаси 2000 йилдан самарали фаолият юритаётган бўлиб, бугунги кунда малакали, касбига меҳр қўйган ишчи-хизматчиларнинг саъй-ҳаракатлари билан Эрон, Италия, Болтиқбўйи каби хорижий давлатлардан келтирилган замонавий, сифатли хом ашёдан фойдаланган ҳолда буюртмаларни ўз муддатларида бажаришмоқда.

Эътиборли томони, тажрибали, қўли гул ишчилар миждозларнинг хоҳиш-истағига кўра кафелга Италиядан келтирилган ёрқин ранглардаги бўёқларда малакали дизайнларнинг компьютерда ишланмаларига асосланган ҳолда табиат манзаралари, гул, бута, дарахт, жониворларнинг суратини чиқишмоқда. Сўнгра эса маҳсулотга 1000 даражада қиздирилган педча ишлов берилди. Асосийси, фирма маҳсулотлари импорт ўрнини тўла боса олади ҳамда хорижикидан икки баравар арзонлиги билан ажралиб туради.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

Мудофаа бўлимларида

ВАТАНГА ХИЗМАТ—МУҚАДДАС БУРЧ

БАРЧА СОҲАЛАРДА БЎЛГАНИ КАБИ МАМЛАКАТИМИЗДА ҲАРБИЙ ЙЎНАЛИШДА ҲАМ ИЗЧИЛ ИСЛОХОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛЯПТИ. МАҚСАД ЭСА ТЕЗКОР, ИХТИМОН, ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБ ВА АНДОЗАЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН ПРОФЕССИОНАЛ АРМИЯНИ БАРПО ЭТИШДИР.

Президентимиз «Миллий армиямиз—муσταқиллигимизнинг тинч ва оқсоғи ҳаётимизнинг муσταқам қаролатидир» номида китобларида айтганларидек «Армия сафларидаги ўғлонларимиз нафақат жисмонан бақувват, энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорларини

гига гувоҳ бўлдик. Кимдир тиббий кўриқдан ўтмоқда, кимдир хизмат турлари билан қизиқиб, ўзаро маслаҳатлашмоқда.

—Айни кунларда ўғлонларимиз мударатли ҳарбий хизматга танлов ва тестлар асосида, билими, саломатлиги, интеллектуал даражаси, ижтимоий аҳволи, жисмоний тайёргарлиги, барқарор руҳий ҳолати—барчаси синовдан ўтказилиб, энг юқори баҳоланганлари Миллий Армиямиз сафларига тантанали кузатишмоқда.—дейди биз билан суҳбатда туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, подполковник Рафиқжон Қодиров.—«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги янги қонун асосида ташкил этилган кўрик-танлов натижалари бугунги кунда ўзининг ихобий томонларини кўрсата олди. Чунки мудар



сия ва танлов комиссиялари бўлғуси Ватан посбонларини барча назорат ва синовлардан ўтказмоқдалар. Йигитларни фақат мудофаа ишлари бўлимлари вакиллари эмас, балки «Маҳалла», «Нуруний» жамғармалари, «Камолот» ЕИХ, халқ таълими бўлими, маданият ва спорт ишлари бўлими вакиллари баҳоламоқдалар, кузатишмоқдалар.

—Керакли балли тўплай олмаган, лекин хизматга яроқли, аскар бўлишга шай турган ўғлонлар нима қилишади? —Қонун тили билан айтганда мударатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озоод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Куролли Кучлар сафига навбатдаги мударатли чақирилмаган ҳарбий сафарбарлик чақируви резерви сафига олинди.

—Сафарбарлик чақируви нима эканлигини тушутириб берсангиз.

—Заҳирадаги сафарбарлик чақируви тўрт хилдаги ҳарбий хизматнинг биридир. Ушбу хизмат турига жалб этилганлар бир ойлик ҳарбий йиғинга жалб этиладилар ва 27 ёшга етган фуқаролар Куролли Кучлар заҳира си таркибиде турадилар. Заҳирадаги сафарбарлик хизмати худудий жиҳатларга қараб ташкил этилади (бир ойлик муддат билан) ва хизматга чақирилганлар томонидан республика Молия вазирлиги махсус ҳисоб рақамига пул бадалли ўтказилади. Бунда албатта пул бадаллари миқдори ва уларни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган алоҳида Низом бўйича белгиланади. Ташкил бўлиши истардимки, мазкур хизмат армия сафларига боролмаган йигитларга ҳам тенг имкониятлар яратилди.

—Йигитларнинг кўпчилиги айни кунларда Миллий Армиямиз сафларида хизмат қилишни ўзи унинг шараф деб



пўхта эгалланган бўлиши, айни вақтда юксак ақл-заковат, интеллектуал салоҳияти муσταқкам, иродаси, ўз халқига садоқати каби олижаноб хусусият ва фазилатлари билан ҳам ажралиб туриши лозим».

Юнусобод туман мудофаа ишлари бўлимига кириб келганимизда чақирув пунктининг ҳарбий хизмат ёшига етган бўлғуси Ватан посбонлари билан гавжумли-

датли ҳарбий хизмат давомида—қиска вақт ичида ёшларни бугунги талаб даражасида тарбиялашга эришиш мушкул, албатта. Демак уларни чақириқча сифатли тайёрлаш, чақирувда танлаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун мудофаа ишлари бўлимида барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Тажрибали шифокорлар жамланган тиббий комис-

сия ва танлов комиссиялари бўлғуси Ватан посбонларини барча назорат ва синовлардан ўтказмоқдалар. Йигитларни фақат мудофаа ишлари бўлимлари вакиллари эмас, балки «Маҳалла», «Нуруний» жамғармалари, «Камолот» ЕИХ, халқ таълими бўлими, маданият ва спорт ишлари бўлими вакиллари баҳоламоқдалар, кузатишмоқдалар.

—Йигитларнинг кўпчилиги айни кунларда Миллий Армиямиз сафларида хизмат қилишни ўзи унинг шараф деб

пўхта эгалланган бўлиши, айни вақтда юксак ақл-заковат, интеллектуал салоҳияти муσταқкам, иродаси, ўз халқига садоқати каби олижаноб хусусият ва фазилатлари билан ҳам ажралиб туриши лозим».

Юнусобод туман мудофаа ишлари бўлимига кириб келганимизда чақирув пунктининг ҳарбий хизмат ёшига етган бўлғуси Ватан посбонлари билан гавжумли-

датли ҳарбий хизмат давомида—қиска вақт ичида ёшларни бугунги талаб даражасида тарбиялашга эришиш мушкул, албатта. Демак уларни чақириқча сифатли тайёрлаш, чақирувда танлаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун мудофаа ишлари бўлимида барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Тажрибали шифокорлар жамланган тиббий комис-

сия ва танлов комиссиялари бўлғуси Ватан посбонларини барча назорат ва синовлардан ўтказмоқдалар. Йигитларни фақат мудофаа ишлари бўлимлари вакиллари эмас, балки «Маҳалла», «Нуруний» жамғармалари, «Камолот» ЕИХ, халқ таълими бўлими, маданият ва спорт ишлари бўлими вакиллари баҳоламоқдалар, кузатишмоқдалар.

—Йигитларнинг кўпчилиги айни кунларда Миллий Армиямиз сафларида хизмат қилишни ўзи унинг шараф деб

Қарор ва ижро

ФОНД БОЗОРИ — ИҚТИСОДИЙ БАҲАРАРЛИК КЎЗҒУСИ

ФОНД БОЗОРИ — МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИ БАҲАРАРЛИГИНИНГ КЎЗҒУСИ. БОИСИ, ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖЛАНГАННИ САРИ БИРЖА САВДОЛАРИ ТУРИ ВА ҚЎЛАМИ ҲАМ КЕНГАЙИБ, САВДО ҲАЖМИ ОШИБ БОРАВЕРАДИ. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА ИЗЧИЛЛИК БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ ТУФАЙЛИ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ТОБОРА ЮКСАЛМОҚДА. БУ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДА ҲАМ ЯҚҚОЛ АКС ЭТАЎТИР. БИРГИНА «ТОШКЕНТ» РЕСПУБЛИКА ФОНД БИРЖАСИДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА САВДО АЙЛАНМАСИ ЮЗ МИЛЛАРД СЎМДАН ОШГАНИ ФИКРИМИЗНИНГ ДАЛИЛИДИР.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 27 сентябрда эълон қилинган "Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу жараённинг янада раванқ топишига хизмат қилмоқда.

Қимматли қоғозлар бозори бўш пул маблағларини вақтинча жамлаш ва истиқболли тармоқларни ривожлантиришга йўналтириш имконини бериши билан иқтисодиёт ривожидида муҳим ўрин тутди. — деди Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси хузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директори Камолiddин ТОЛИПОВ ЎзА мухбирига. — Мамлакатимизда мазкур соҳа қисқа давр мобайнида изчил тақомиллашиб, фаолияти ривожланган давлатлар фонд биржалари сифат ва савиясига етди. Хозирги кунда мамлакатимизнинг қимматли қоғозлар бозорида 250 дан ортиқ инвестиция муассасалари, шу жумладан, воситачилари ва фондлари ҳамда маслаҳатчилар, депозитарийлар, савдо ташкилотчилари, бошқарувчи компаниялар иштирок этмоқда.

2006 йилнинг 1 октябрь ҳолатига мамлакатимизда чиқарилган ва марказимизда рўйхатдан ўтган қимматли қоғозларнинг умумий миқдори 3,62 триллион сўмга етди. Жисмоний шахслар — қимматли қоғозлар эгалари сонини эса бир миллион нафардан ошди.

Айтиш жоизки, бозор иқтисодиёти шароитида жамиятдаги иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши даражасини қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори белгилайди. Бошқача айтганда, бу жараён турли тармоқлардаги корхоналардан инвестиция жалб этувчи барометрdir. Мамлакатимизда мазкур соҳага қаратилган улкан эътибор натижада бу бозор изчил ривожланмоқда. Хусусан, "Тошкент" Республика фонд биржаси хусусийлаштириш жараёнининг жадаллашишида ва қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини янада ривожлантиришда алоҳида ўринга эга.

1994-2005 йиллар мобайнида барча савдо майдончаларининг умумий айланмаси

миқдори 163,2 миллиард сўмни ташкил қилган бўлса, жорий йилда, таъкидлангани каби, улкан натижаларга эришилди. Бунга кўп жиҳатдан қимматли қоғозлар бозорида инвесторларни ҳимоялаш ва маълумотлар ошқоралигини таъминлашга қаратилган изчил савд-ҳаракатлар йўл очди. Универсал банклар ва иқтисодлашган брокерлик-дилерлик компанияларини уйғунлаштиришдан қимматли қоғозлар бозори фаолиятини ташкил этиш моделининг барпо этилгани ҳам муваффақиятлар омили бўлмоқда.

Коллаверса, иккиламчи бозор улушининг ошishi миллий иқтисодиётда кечаётган жараёнларнинг сифат ўзгаришидан далolat беради. Чунки иккиламчи бозор қимматли қоғозлар нархини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Бу нарх қанчалик одилона ўрнатилса, акциядорлик капиталининг бозордаги ҳаракати шунчалик самарали кенчади. Шу боис иккиламчи бозорда акциялар нархи савдо қатнашчилари орасидаги талаб ва таклиф, яъни бозор конъюктураси асосида шаклланипти.

— Президентиимизнинг номи зикр этилган қарори қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш борасида қандай янги имкониятлар яратди?

— Мазкур қарор қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантиришга кенг йўл очди. Боиси унда бозорнинг барқарор фаолият юритиши, бугунги кунга мос зарур омилилардан кенг фойдаланишига ургу берилган. Хусусан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини таъбиқ этиш, ҳужалик юритувчи субъектлар томонидан инвестициялар жалб этилишини фаоллаштириш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқаруви тақомиллаштириш ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига алоҳида эътибор қаратилган.

Эндиликда қарорга мувофиқ, қимматли қоғозларнинг бир тури бўлган корпоратив облигациялар чиқарилиши ҳам янги чартиб ўрнатилди. Бунда корпоратив облигациялар чиқариш фақат ижобий натижаларга эришаётган очиқ турдаги акциядорлик жа-

миятлари томонидан амалга оширилади. Шунингдек, қарор асосида 2006-2007 йилларда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш дастури маъқулланди. Унда корхоналарни тўлиқ давлат тасарруфидан чиқариш, янги акциядорлик жамиятлари тузиш ҳисобига қимматли қоғозлар бирламчи ва иккиламчи бозорларини янада ривожлантириш, фонд бозорининг замонавий инфратузилмасини шакллантириш ва унинг модий-техника базасини мустаҳкамлаш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини тақомиллаштириш, қимматли қоғозлар бозори учун кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилишни яхшилашга алоҳида аҳамият берилган.

Бундай чора-тадбирларнинг белгиланиши бозор фаолиятини янада ривожлантириш, ҳажминини кенгайтириши билан бирга, унда хизмат турлари янада кенгайишига ҳуқуқий замин яратди. Чунки ҳар қандай замонавий бозор миқдорларга қулайлик яратишга қаратилган турфа хил хизматлари билангина муваффақиятга эришади. Қимматли қоғозлар бозорининг инфратузилмасини замонавийлаштириш ҳисобига инвестиция маслаҳатчилари, рейтинг компаниялари, ички аудит ва бошқа институтлар фаолияти кенг йўлга қўйилди. Улар, ўз навбатида, бозорнинг изчил тараққиёт этишига ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

Шу билан бирга, қарорда бозор ривожидида муҳим ўрин тутувчи инвесторларга ҳар томонлама қулайлик яратиш ҳам назарда тутилганки, бу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Қарор асосида берилган солиқ имтиёзлари қандай имкониятлар яратди?

— Соҳа ривожидида қимматли қоғозлар савдосини ташкил этишда депозитарий хизматларининг алоҳида ўрни бор. Уларнинг хизмати, яъни қимматли қоғозлар айлишини бўйича операциялар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинди. Натижада бу хизматларнинг арзонлашиши кутилмоқда. Қарорда шу йил 1 октябрдан бошлаб акциядорлик жамиятларининг ўтган йиллар тақсимланмаган фойдасини жамият низоми жамағармаси оширилишига йўналтирилиши натижада акциядорларга бериладиган қўшимча акцияларнинг қийматини ёки қўлларидан мавжуд акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тарзида олган даромадлари солиққа тортиш объекти ҳисобланмаслиги қайд этилган. Бу эса акциядорларнинг ўз акцияларини кўпайтиришга бўлган қизиқшини оширади. Боиси ўз дивидендини акция тарихида олиб, уни кўпайтириш ак-

ционер ушбу даромаддан солиқ тўламайди. Қимматли қоғозлар бозорида брокерлик (воситачилик) фаолиятини амалга оширувчи микрофирма ва кичик корхоналар ялли даромадидан аввал 30 фоиз миқдоридаги ставка асосида ягона солиқ тўлаб келган бўлса, эндиликда бу миқдор 10 фоиз этиб белгиланди. Бундай имтиёзлар ҳисобига тежаландиган маблағлар бозорини янада ривожлантиришга йўналтирилади.

— "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги қонун лойиҳаси хусусида ҳам тўхталсангиз...

— Тайёрланаётган янги қонун, аввало, фонд бозорига оид аввалги йилларда қабул қилинган турта қонунни бирлаштириб, ўзиди қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантиришга қаратилган янги ёндашувларни қамрайдди. Ягона қонун қабул қилиниши қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига қулайлик яратиб, киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларни излашда вақтни тежайди. Қонун лойиҳасида қимматли қоғозлар билан битимларни амалга ошириш жараёнини эркинлаштиришга алоҳида аҳамият берилляпти. Боиси инвестор қимматли қоғозлар ҳисобини юритиш учун бир инвестиция муассасасига, битимларни амалга ошириш учун бошқасига, маслаҳат олиш учун учинчи ташкилотга мурожаат қилишга мажбур. Бу эса фонд бозорида сегментация — тарқоқлик вужудга келишига ва битимларни амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар ҳақининг ошиб кетишига олиб келмоқда. Лойиҳада айна муаммоларни бартараф этиш, бундай чекловларни бекор қилиб, ҳаракатларни камайтириш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, мазкур қонун лойиҳасида қимматли қоғозлар ҳисобини юритиш тизими ҳам соддалаштирилиши кўзда тутилган. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ қимматли қоғозлар эгалари бир вақтнинг ўзидида қимматли қоғозлар ҳисобини юритиш мақсадида депо-ҳисоб рақамини очиш учун депозитарийга ҳамда акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ва дивидендлар олиш учун реестр юритувчига мурожаат этиши керак. Бу акциядорлик жамиятларининг ўзлари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Амалдаги акция ҳаридори ва реестр юритувчи орасидаги масофа анча узок бўлиши каби ҳолатлар учраб туради. Бу эса инвестор вақтини ва маблағларини кўп миқдорда сарф қилишига олиб келмоқда. Янги қонуннинг қабул қилиниши бунга барҳам бериб, қимматли қоғозлар эгаларининг тегишли реестрларда автоматик равишда рўйхатга олинишини таъминлайди.

Амалга оширилаётган бундай чора-тадбирлар қимматли қоғозлар бозорининг жадал ривожланишига хизмат қилиб, бозорнинг мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришдаги ҳиссасини янада оширади.

ЎзА мухбири Норгул АБДУРАИМОВА сўхбатлашди.

ФАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ҲЎЖАЛИГИ, ФАН ВА МАДАНИЯТИ, ТЕХНИКА ВА БАРЧА СОҲАЛАРИ РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДАН БИРИДИР.

Пойтахтимизда 1943 йили Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилди. Унда олий ўқув юртли ва 23 та илмий-тадқиқот муассасалари фаолият кўрсатади. Шу муассасалардан бири Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Ўзбекистон ядро физика институтидир. Институти 1956 йилда ташкил топган бўлиб, ядро ва реакция, физика, радиактив изотоплар ишлаб чиқариш ва қўлша соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб боради.

Институти таркибидида кимё лабораториялари, радиацион техника махсус конструкторлик бюроси, ҳўжалик ҳисобидаги "Радиоаппарат" таъриба корхонаси, аспирантура кутубхоналари мавжуддир. Хозирги даврда фойдаланиш учун замонавий электрон аппаратлар, юкори технологиялар билан жиҳозланган. Институтида чиқариладиган изотоплар ва радиоизотоп асбоблар кон-металлургия, кимё, электроника, енгил саноатда, шунингдек, қурилиш ишларида, геология, қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда қўлланилмоқда.

Институтида 300 га яқин илмий ходим, жумладан Фанлар академиясининг мухбир аъзолари, фан номзодлари фаолият кўрсатмоқда. Бир қанча ходимлар Абу Райхон Беруний номидаги Давлат муқофотига сазовор бўлганлар. Институтининг ривожланишига ўзининг улкан ҳиссаларини қўшган фан арбоблари С. Азимов, Р. Бекжонов, А. Кист, У. Орипов, П. Хабидуллоев, С. Стародубов, М. Юнусов, У. Фуломов ва бошқа олимлар номи билан боғлиқ.

Ўзбекистон кино, сурат, овозли ҳўжатлар марказий давлат архивида Ўзбекистон ядро физика институтининг суратли ва кино лавҳалари сақланмоқда. Суратли лавҳаларда илмий ходимларнинг иш жараёнлари, атом реакторининг ишга туширилиши, радиоизотоплар автоматлаштирилган бошқарув тизими, пахта уруғини нурлантириш грамма қурилмаси назорат бўлими фаолияти акс этирилган. Институтида илк фаолият олиб борган радиомуҳандис А. Агзамов, илмий ходим К. Ковец ва бошқаларнинг тасвирлари мавжуд.

Кино лавҳаларимизда Ядро физика институтининг очилиши маросими, институти директори, академик Орифовнинг қиқши, атом реакторининг ишга туширилиши, бир гуруҳ олимлар ва ходимларнинг иш фаолиятлари тасвирланган.

Ўзбекистон ядро физика институти ташкил топганига бу йил 50 йил тўқди. **Малоҳат ҚЎЧҚОРОВА, Ўзбекистон Республикаси кино сурат ва овозли ҳўжатлар марказий Давлат архиви бўлими мудири**

Унда ўзбекистонлик расмсонлар томонидан ишланган суратлар, амалий-безак санъати асарларидан намуналар ҳамда Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилувчи турли фотолавҳалар намойиш этилди. Кўргазма экспозицияси тадбирга таширф буюрган Украина ҳукумати аъзолари, дипломатия корпуси вакиллари, танкили шарқшунос-олимлар, сиёсатшунослар ва журналистларда катта қизиқиш уйғотди.

Семинар давомида Ўзбекистон ҳукумати томонидан халқимизнинг тарихий ва маданий меросини тиклаш ва асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот берилди. Жумладан, Самарқанд, Қарши ва

ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАРИМИЗ КИЕВЛИКЛАР ЭЪТИБОРИДА

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ МЕРОСИ» — КИЕВДА ЮРТИМИЗНИНГ ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАРИ ҲАМДА ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИНИНГ 1000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ЎТҚАЗИЛГАН КЎРГАЗМА-СЕМИНАР АНА ШУНДАЙ ДЕБ НОМЛАНДИ.

Маргилон каби кўхна шаҳарларимизнинг юбилейлари нишонланаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Австриянинг Украинадаги элчихонаси савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси Кристиан Гесселнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда тарихий шаҳарларнинг юбилейлари ҳамда Хоразм Маъмун Академиясининг 1000 йиллиги кенг

байрам қилинаётгани мамлакат ҳукумати томонидан фан ва маданият тарақиёти, халқ маънавий меросини асрашга қаратилган улкан эътиборнинг ёркин намунасиdир. Украина Миллий фанлар академияси Фалсафа институти турли хил соҳадаги профессор Григорий Халимоненко йиғилганлар эътиборини юртимиздаги қадимий шаҳарларнинг жаҳон цивилиза-

цияси тарихида тутган ўрнига қаратди. «Мазкур шаҳарларнинг юбилейлари нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа давлатларда ҳам кенг нишонланаётгани турли мамлакатлар аҳолисини ўзбек халқининг бой аънавалари, ноёб маданий мероси билан таништиришга хизмат қилади», — деди украинлик олим.

«Жаҳон» АА Киев

Анжуманлар

«ИНТЕГРАЦИЯЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ»

«ЎЗБЕКНЕФТАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ ҚОШИДАГИ НЕФТ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ВА ҚИДИРУВИ ИНСТИТУТИДА «НЕФТ — ГАЗ ТАРМОГИДА ИЛМ-ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ» МАВЗУИДА РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ ЎТҚАЗИЛДИ.

Тадбирда 22 та илмий ва 31 та деворий маърузалари билан иштирок этган олимлар, бугунги кун талаблари асосида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш самарадорлигини оширишга оид масалаларни муҳокама қилишди. Жумладан, фундаментал билимларни амалий кўникмалар билан ўзвий боғлаш, янги технологияларни ўзлаштириш, мутахассисларнинг техникавий даражасини ошириш, ёнилғи энергетика мажмуасини ривожлантиришда илмий — техникавий ютуқлардан, дунё таърибасидан фойдаланиш, махсусдор нефт, газ ва газ конденсати конларини излаб топиш, уларнинг рентабеллигини ошириш каби ма-

салаларга алоҳида эътибор қаратилди. Анжуманда нефт ва газ тармоғи корхоналари, ташкилотлари, ўқув юртли раҳбарларига, олим ва тадқиқотчиларга келгусидаги ишлар самарадорлигини ошириш бўйича муайян йўналишлар берилди. — деди «Ўзбекнефтогаз» МХК матбуот хизмати раҳбари Собиржон Салимов. — Кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласига нефт-газ тармоғи раҳбарияти томонидан алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда, 2007 йилда нефт ва газ тармоғининг танкили олими, соҳада мутахассисларни тайёрлашда катта ҳисса қўшган академик Обид Акрамхўжаев хотирасига бағишлаб, ўқув курслари ташкил этилади.

ларга боришади. Аҳолининг иқтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини тиббий кўриқдан ўтказиб, мурувват ёрдамларини топширишади. Шунингдек, ногиронлар, боқувчисини йўқотган ва кўп болалик оилалар, болалар ва ўсириллар, маляули шифокорлар кўриқдан ўтказилади. Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича учрашувлар, давра сўхбатлари ташкил этилади. Тиббий маслаҳатлар ва хайрия ёрдамлари берилди. Зарурият турлиганда беморлар даволаниш учун хойлардаги шифохоналар ва Тошкент шаҳридаги касалхоналарга юборилади. «Туркистон-пресс»

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ РАМАЗОН ҲАЙИТИ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ЯНА БИР ХАЙРЛИ ИШГА ҚЎЛ УРДИЛАР.

Саховат

НУРОНИЙЛАР КЎНГЛИ КЎТАРИЛДИ

Улуғ айём кунларида пойтахтимиздаги уруш ва меҳнат фахрийлари сиҳаттоҳида даволанаётган 176 нафар нуруний отахону онахоналар муқабракдаб этилиб, соғва-саломлар топширилиб, эзгу тилаклар билдирилди. Бир дошимонд кексалар ҳамда болаларнинг табассуми гоёт бегубор бўлади, деб бежиз айтилмаган. Қарияларнинг ҳушқайфияти, чин юракдан қилган дуолари, самимий тилаклари, ташаккурларини эшитиш мароқли бўлиб, инсонни эзгу ишларга қорлайди. «Мен Ҳалима Жумаева, болаликдан ногиронман. Биз кексаларга кўрсатилаётган фамхўрлик учун ушбу тадбир ташкилотчиларига катта раҳмат. Илоҳим юртимиз тинч, ҳаётимиз янада фаровон бўлсин», «Соғвалар, самимий қўл сўзларингиз, катта эътибор учун хайрли тадбир ташкилотчиларига, мухтарам раҳбарларимизга чукур миннатдорчилик билдираман. Гўзал юртимиз осмонни мусоффо, ҳаётимиз янада фаровон бўлсин, биз кексаларни ардоқлаётган инсонларга сиҳат-саломатлик, ишларда омад тилайман. Кўрсатилган эътибордан кўнглимиз тоғдек кўтарилди», — дейди пенсионер Тамара Савина.

Меҳр-муҳаббат, ширин сўз, инсон кўнглини овлал халқимизга хос ўлмас қадриятлардан бўлиб, муқорак хайит кунларида кексаларни байрам билан табриқлаш уларга шодлик бағишлаганига гоёт қувонарлидир. Отахону оналарнинг меҳр билан айтган тилакларини эшитиш тарбия воситаси сифатида барчани эзгу, савобли ишларга қорлаши билан жаннатмакон юртимизда меҳр-оқибат каби кўхна қадриятларнинг кундулик турмушимиздан ўрин эгаллаб бораётганига эътиборга лойиқдир. **Улғубек ПЎЛАТОВ**

МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ НЕМИС ОЛИМЛАРИ НИГОҲИДА

БЕРЛИНДАГИ МАКС ПЛАНК НОМИДАГИ ФАН ТАРИХИ ИЛМИЙ ИНСТИТУТИДА ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ 1000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

Юртимизнинг ГФРдаги элчихонаси кўмағида ташкиллаштирилган учрашувда Германиянинг етакчи шарқшунос-олимлари, тарихчилар, илмий, сиёсий доиралари, жамоатчилик ва мамлакатдаги хорижий дипломатия корпуси вакиллари иштирок этди. ГФРдаги нуфузли илмий-тадқиқот марказларидан бири ҳисобланган Макс Планк институти фаолиятида Ўзбекистон тарихини ўрганиш масалалари муҳим ўрин тутди.

Конференцияда Ўзбекистоннинг Германиядаги элчиси Бахтиёр Фуломов сўзга чиқиб, тадбир қатнашчиларига мамлакатимиз ҳукумати томонидан ўзбек халқи тарихий, маданий ва илмий меросини тиклаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида сўзлаб берди.

Конференция иштирокчиларини қутлар экан, **Берлин Сенатининг фан масалалари бўйича давлат котиби Ханс Хузуанг** Марказий Осиё юрағида жойлашган Ўзбекистон асрлар давомида Шарқ ва Ғарбни, турли миллат ва маданиятларни бир-бирига боғлаб турувчи кўприк бўлиб келганини қайд этди. У Ўзбекистон ҳукумати томонидан илмий-маданий қадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни юксак баҳолади. «Хоразм Маъмун Академиясининг тикланиши Ўзбекистон раҳбарияти мамлакат халқининг илмий ва маданий меросига улкан эътибор қаратаётганига ёркин далил бўлиб хизмат қилади», — деди Х. Хузуанг.

Макс Планк институти директори, профессор Юрген Реннинг фикрича, қадимий маданият марказларидан бири бўлган Ўзбекистон заманидан жаҳон фани тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган қўлпаб буюк олимлар етишиб чиққан.

— Мамлакат худуди бўйлаб ўтган Буюк Ипақ йўли фақатгина савдо-иқтисодий алоқаларнинг кенгайишига хизмат қилмасдан, балки Ғарб ва Шарқ ўртасидаги фан ва билимлар алмашинуви, Хоразм Маъмун Академияси каби илмий ҳамжамиятларнинг ташкил топишида муҳим аҳамият касб этган, — деди олим.

Ю. Ренн, шунингдек, Макс Планк институтида Маъмун Академиясининг 1000 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган конференция ўзбек халқи тарихи, маданияти ва аънавалари Германия жамоатчилиги орасида янада оммалашувида хизмат қилиш ҳамда икки илмий марказ ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга туртки беришини қайд этди.

Беруний ва Ибн Сино каби буюк алломаларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш борасида Германиядаги етакчи тадқиқотчилардан бири — **Берлин-Бранденбург Фанлар академияси ва Берлин Эркин университети профессори Готхард Штромайер** жаҳон цивилизациясининг қадимий илм-фан марказларидан бўлган Хоразм Маъмун Академияси узок вақт мобайнида минтақанинг иқтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва маданий ривожланиши жараёнида муҳим ўрин тутганини таъкидлаб ўтди.

Г.Штромайер Хоразм академиясида ижод қилган мутафаккирлар — Ибн Сино ва Беруний илм-фан тараққиётига бекиб ўрин тутишига эътибор қаратди. «Улар ўртасидаги фалсафий мавзулар ва Арасту асарларига оид ёзишлар чукўр ўрганилиши ости бўлган муҳим ва қизиқарли манбалардир», — дейди немис олими.

Конференция доирасида «Хоразм Маъмун Академияси — кўхна ва навқирон илм-фан саройи» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. У Ўзбекистон элчихонаси томонидан «Peter Stein Verlag» нашриёти кўмағида инглиз ва немис тилларида чоп этилди. Ушбу китобда академиянинг ташкил этилиш тарихи, унинг олимлари томонидан табиий ва иқтимоий фанлар соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, Президент Ислам Қаримов ташаббуси билан тикланган мазкур илмий марказнинг илмий ва амалий фаолияти тўғрисида ҳикоя қилинади.

Шунингдек, Ўзбекистон элчихонаси томонидан Германиянинг қатор илмий ташкилоти ва муассасалари ҳамкорлигида тайёрланган Маъмун академияси фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳўжатли фильм ҳам йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

«Жаҳон» АА Берлин

Таълим УНИВЕРСИТЕТНИНГ ЯНГИ ЖУРНАЛИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ЎЗИНИНГ НАВБАТДАГИ ЯНГИ МАТБУОТ НАШРИГА ЭГА БЎЛДИ. ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ГУВОҲНОМАСИ БЎЙИЧА ЧОП ЭТИЛАЁТГАН БУ ЖУРНАЛ «УНИВЕРСИТЕТ ҲАБАРЛАРИ» ДЕБ НОМЛАНДИ.

Ўзбек, рус ва инглиз тилларида босиладиган мазкур журнал саҳифаларида республикамиз ва хорижий мамлакатларнинг илмий ўқув ва лойиҳа муассасалари томонидан амалга оширилаётган тадқиқотлар натижалари, олий ва ўрта таълим соҳаси учун янги педагогик технология йўналишидаги илмий ишлар ҳулосалари ёритиб борилади. Янги нашрда уштираётган маҳаллий ва халқаро илмий анжуманлар тафсилотлари ҳам ўз аксини топади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, олий ўқув юртида хозир «Информатика ва энергетика муаммолари», «Алоқа дунёси», «Инфо Ком Уз» деган журналлар ҳам чиқарилиб, кенг оммалаштирилмоқда.

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ АСОСИДА

ПЕДАГОГ КАДРЛАР БИЛАН ЯҚИН МУЛОҚОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ҚЎЛ КЕЛМОҚДА.

Интернет алоқаси воситасида уюштирилаётган бундай ўқитиш усули Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида ҳам кенг йўлга қўйилди.



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ЎН БИРИНЧИ ХИКОЯ

Одобли бола мактабга ҳар вақт эрта билан келиб дарсини такрор қилиб ўтирур. Ҳеч сабабсиз мактабдан қолмас. Мактабга боришда ва қайтишда кўчаларда ўйнаб юрмас. Йўлда ўзидан катта ва кичик одамлар учраса, кўл қовштириб салом берур. Агар йўлда бир одам сўз сўраса, жавобсиз қўймас, сўралмаган сўзга жавоб бермас.

ЎН ИККИНЧИ ХИКОЯ

Бир ақли бола эрта билан мактабга борарди. Йўлда бир одам учраб: «Эй ўғлим қаерга борурсиз», деб сўради. Бола одоб билан мактабга кетаётганлигини айтди. Ул киши боладан: «Ўқимокдан ниятингиз нимадур?»— деб сўради. Бола: «Ўқимокдан ниятим билим олиб Аллоҳ Таъолонинг ризосини топмоқ»,—деб жавоб берди. Ул киши боланинг берган жавобига тахсин ва офаринлар айтиди, унинг ҳақиқа яхши ниятлар қилди.

ЎН УЧИНЧИ ХИКОЯ

Одобли болалар ҳар вақт шу ниятларни қилиб юрурлар: «Эй бори худое, бизларга фойдалик илм ато қилгил, фойдасиз нарсадан ўзинг асрагил. Одобли, яхши хулқли, раҳмдил ва шафқатли қилгил. Билмаганларимизни билдиргил. Шариат, дин, миллат йўлига хизмат этадиган қил»,—деб доим Аллоҳ Таъолодан сўралар.

ЎН ТЎРТИНЧИ ХИКОЯ

Тарбияли бола ота-оналари хизматини қилиб, мактабдан кеч қоладиган бўлса, ширин сўз билан айтур: «Жон ота ёки жон она менга мактабга боришга рухсат берсангиз»,—деб хурсандлик билан жавоб олиб, тезлик билан мактабга борур. Қайтиб келгач, буюрилган ишни яхшилаб қилиб айтганларини бажарур.

ЎН БЕШИНЧИ ХИКОЯ

Бир куни бир боланинг отаси: «Эй ўғлим, бугун қор, ёмғир ёғиб ерлар ёмон лой бўлди, мактабинг ҳам узок, шунинг учун бормасанг ҳам бўлади»,—деб айтди. Боласи: «Эй ота, ҳозир қор, ёмғир ёғиб ерлар лой бўлибди, агар осмондан тош ёғса ҳам Аллоҳ Таъоло хикмат берса, мактабга бораман»,—деди. Отаси боласини мактабга қўйган муҳаббатини кўриб ҳақиқа яхши ниятлар қилди. Бу боланинг икки йил ичида хат-саводи чиқиб, энг одобли болалардан бўлди.

ЎН ОЛТИНЧИ ХИКОЯ

Одобли бола мактабдан келиб таом еб бўлганидан сўнг одобли ўртоқлари билан бир оз хурсандлик қилиб ўйнар. Аммо, кўп вақт ўйнаб, умрини бекор ўтказмас. Бефойда томошаларга ҳаваси келмас. Ўқимок ва ёзмокқа берилиб, беодоб болалар билан асло ўйнамас.

ЎН ЕTTИНЧИ ХИКОЯ

Тарбияли болалар мактабдан жавоб бўлиб, уйларига кетар вақтларида охиста-охиста китоб, қалам каби дарс асбобларини йиғиб, кийимларини кийиб навбати билан эшикдан чиқадилар. Кўчада кўринган одамларга салом бериб, тўхтамасдан тўғри уйларига келурлар. Ота-оналарига баланд овоз билан салом бериб, мактабдан ўрганиб келган нарсаларини ўқиб хурсанд қилурлар.

ЎН САККИЗИНЧИ ХИКОЯ

Одобли бола фойдали сўзларга қўлок солур. Масалан, ота-она ва дўстларининг насиҳатларини эшитиб амал қилур. Фойдасиз ёмон сўзларни эшитишдан ҳар вақт ҳазар қилур. Бир одамнинг орқасидан гийбат ва шикоят қилмас. Агар бир одам бундай сўзларни сўзласа, қўлок солмас. Агар қўлидан келса, мулойимлик билан сўзининг ёмон эканлигини билдурур.

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ХИКОЯ

Тарбияли бола бир одамнинг ачиги чиқиб турган вақтда ёки бир одамга кўнглидаги ҳолларини баён қилиб турган вақтда сўзларига қўшилмас. Агар ўзи сўз бошлайдиган бўлса, малол келмайди даражада одоб билан сўзлар. Бир кишининг қилиб турган ишига ижозатсиз қарамас.

ЙИГИРМАНЧИ ХИКОЯ

Бир одам хат ёзиб ўтирган эди. Бир бегона киши унинг олдида ўтириб ёзиб турган хатига қаради. Хат ёзиб турган киши: «Бир аҳмоқ олдимда ўтиргани учун хатимга сиримни битолмадим»,—деб ёзди.

Қараган киши: «Агар мени аҳмоқ деб ўйласанг нима учун сирингни ёзмадинг, мен сени хатингни ўқиганим йўқ»,—деди. Хат ёзган одам: «Агар ўқимаган бўлсанг, ёзганимни қандай билиб олдинг», деганида уялиб ҳеч нима демасдан чиқиб кетди.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ ХИКОЯ

Тарбияли бола биродарларини асло хафа қилмас, чунки ота-оналаридан кейин энг яқин меҳрибонларидир. Шу сабабли ҳамма вақт улар билан муомалани одоб ва шафқат билан қилур. Ота-онаси вафот этса, катталарини ота-она ўрнида ҳисоблаб, сўзларига амал қилур. Кичикларини жондан ҳам азиз қўриб, асло ранжитмас.

ЙИГИРМА ИККИНЧИ ХИКОЯ

Бир хил одобсиз болалар бордики, ота-оналарининг бағрида ўсиб катта бўлурлар. Лекин ул бечораларни боқиб катта қилганини эсларидан чиқариб сўзларига қарши турурлар. Агар насиҳат қилсалар, назарига олмасдан қўлок солмаслар, сўзлаганларида масҳара қилиб куларлар. Бир хизмат буюрсалар сўзларини қайтариб кўнглиларига озор етказурлар. Албатта, бундай болалар дунё ва охирабда бахтсиздирлар.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ ХИКОЯ

Одобли бола укалари беодоблик билан ёмонроқ бир иш қилиб қўйса сўкмасдан, бақирмасдан охиста ширин сўз билан: «Бундай ёмон ишни қилмоингиз айб бўлади жон ука»,—деб яхши насиҳатлар билан қайтариб тўғри йўлга бошлар. Ота-оналари укаларига бир хизмат буюрсалар тепасида қараб турмасдан ёрдам бериб, қўлидан келганича яхшилиқни аямасдан: «Жон биродар, бундай қилсанг осон, ҳам яхши бўлур»,—деб иш ўргатиб йўл кўрсатур.

Маҳмуд ХАСАНИЙ тайёрлаган

Мини-футбол

ХОТИРА МУСОБАҚАЛАРИ БОШЛАНДИ

АВВАЛ ХАБАР БЕРГАНИМИЗДЕК, ШАХРИМИЗДАГИ «ИСТИҚЛОЛ» СТАДИОНИДА ЎЗБЕК ФУТБОЛИ ФИДОЙИЛАРИДАН БИРИ ОЛИМЖОН АКБАРОВ ХОТИРАСИГА БАГИШЛАНГАН ҚИЗҚАРЛИ МУСОБАҚАЛАР БЎЛИБ ЎТАДИ.

Шуни айтиш керакки, мамлакатимизда футболсеварлар кўплаб топилади. Илгарилари «Пахтакор» жамоасининг ўйинларига республикамизнинг барча худудларидан ишқибозлар келиб, севимли жамоамизни бевосита кўлаб-қувватлагани сир эмас. Бинобарин, жойларда футбол фидойилари жамоалар тузиб, айниқса, болалар ўртасида оммавий футболни ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келишгани ҳам айна ҳақиқат. Яйпанда оммавий футболни ривожлантиришга бор куч-маҳоратини бағишлаган Олимжон Акбаров ҳам ана шундай ўзбек футболнинг ҳақиқий фидойилари сирасига қиради.

Шуниси қизиқи, 1949-1950-йилларда Яйпанда турли миллат вакилларидан иборат футбол жамоаси ташкил этилган бўлиб, у анча йиллар давомида фаолият кўрсатди. Ушбу жамоада ўзбек миллатига мансуб ягона футболчи ҳам Олимжон Акбаров эди. Олимжон ака ўша йилларда Яйпан пахта тозалаш заводида ишларди. Футболга меҳри булакчилиги туйғайли у қорхонадаги ишини тугатиши биланок, дархол стадион томон йўл олар, машғуллар ва учрашувларнинг бирортасини ҳам қўйиб юбормасликка ҳаракат қиларди. Табиатан кучли ташкилотчилик, атрофига ўзгаларни бирлаштири олиш қобилиятига эга, бўлганлиги сабабли эса ёшларнинг бошини қовштириб, ҳафтани ҳар бир шанбасида стадионни ободонлаштиришга, ўйинлар ташкил этишга ҳаракат қиларди.

Жамоада тўп суришни тарк этганидан сўнг ҳам футбол билан хайрлашмади. Жамоатчилик асосида ёшларга футболнинг

нозик сирларидан сабоқ бера бошлади. Қишлоқ ахлининг ҳақиқий катта футбол бахсларидан бевосита баҳраманд бўлишини таъминлаш мақсадида Яйпанга Кивеннинг «Динамо», Тошкентнинг «Пахтакор», Кемеровонинг «Кузбасс» каби жамоаларнинг ташрифини уштирди. Маҳаллий команда билан юқоридоги донгдор жамоалар ўртасида ўтказилган ўртоқлик учрашувлари яйпанлик муҳлисларга олам-олам завқ-шавқ бахш этди...

Хотира — уйғонса гўзалдир, дейишди. Яйпанлик футбол фидойисининг хотираси ёр-биродарлари, сафдошлари, қолаверса, шогирдлари ёдидан ҳеч вақт ўчмайди. Қувонарли томони шундаки, жуда хайрли ва савоб ишга қўл урилиб, ўтган йили август-сентябрь ойларида Яйпанда Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб ташкил этилган илк турнир ҳақиқий футбол байрамига айланиб кетди. Яйпандаги марказий стадионга чарм тўп захмат-каши номининг берилиши эса барча муҳлисларни беҳад шод этди. «Спорт» ва «Ўзбекистон футбол» газеталари ташаббуси билан ўтган йили ноябрь ойида спортимиз тарғиботчилари — журналистлар ўртасида уюштирилган хотира турнири ҳам жуда қизиқарли ўтди.

Бу йил хайрли анъана яна давом этмокда. Яйпанда «Пахтакор» клуби фахрий-

лари иштирокида II хотира турнири ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 1 майдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарориди кўрсатилган вазифаларни ижро этиш ҳамда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурида белгиланган соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, мамлакатимиз футболнинг оммавийлик даражасини ошириш мақсадида «Спорт» ва «Ўзбекистон футбол» газеталари тахририяти соврини учун Республика журналистлари ўртасида ўзбек футболнинг фидойиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишланган, мини-футбол бўйича анъанавий 2-турнир баҳслари шу йилнинг 26 октябрь — 6 ноябрь кунлари ўтказилади. Унда республика «Ойнаи жаҳони», радио тўлкинлари ҳамда газета ва журналларда ижод қилаётган журналистлардан тўзилган жамоалар голибни аниқлаш учун ўзаро куч сынашадилар.

Бугун «Истиқлол» мажмуасида ушбу турнирнинг тантанали очилиш маросими ва дастлабки беллашувлар бўлиб ўтди.

Биз мусобақа катнашчиларига омад тилаймиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ

МЕҲР-МУРУВВАТ — ИНСОН ЗИЙНАТИ

ХАЙРУ САХОВАТ, МЕҲР-МУРУВВАТ ВА ОҚИБАТ ХАЛКИМИЗГА ХОС ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАРДАН САНАЛАДИ. ҚАРИЯЛАРГА, ЁРДАМГА МУҲТОЖ ОИЛАЛАР, БЕМОР ВА НОГИРОНЛАРГА САХОВАТ КЎРСАТИШ АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ БЎЛИШИ БИЛАН БИРГА ЭНГ САВОБ ИШДИР.

Муборак Хайит байрами кунларида аҳоли саноатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш ширини остида «Соғлом авлод учун халқро хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар таянч маскани томонидан кўплаб маҳаллаларда аҳолига саховат ва мурувват кўрсатилди.

Мазкур жамғарма «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг муваффақиятли бажарилишида фаол иштирок этмокда. Шунингдек, «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш» Низоми билан бир қаторда Вазирлар Маҳкамасининг 71-сонли қарорига асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламни тиббий патронаж кўригидан ўтказиб, керакли дори-дармонлар билан мурувват ёрдамларини кўрсатиб келмокда. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, тиббий-ижтимоий патронаж комиссияси томонидан тасдиқланган жадвалга асосан жорий йилнинг тўртинчи чорагида Миробод тумани маҳаллалари аҳолиси тиббий кўриқдан ўтказилди. Хайит байрами арафасида жамғарма томонидан Миробод тумани хотин-қизлар кўмитаси, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ва 2-оилавий поликлиника



психолог тиббий кўригидан ўтказилиб, шифокорлар кўрсатмасига асосан уларга тўрт тилдаги дори-дармонлар, ногиронларга ҳосса, ёш оналарга болалар сунъий озуқаси, гигиена вазиталари хайрия тариқасида топширилди. Шунингдек, тадбирда жамғарманинг шаҳар таянч маскани раҳбари М.Маҳкамбоева «Она сунъий аҳамияти», туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси шифокори У.Қалаандарова «Юқумли касалликларнинг олдини олиш», «Усмир қизларнинг балоғат даври» мавзуларида маъруза қилдилар.

— Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад,— дейди «Соғлом авлод учун» халқро хайрия жамғармаси шаҳар таянч маскани раҳбари Махбуба Маҳкамбоева,— ёлғиз қариялар, ногиронлар, кўп болали, ёрдамга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиб, уларни тиббий кўриқдан ўтказиш, мурувват кўмаги кўрсатиш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришда амалий ёрдам бериш, уларнинг кўнглиларини кўтаришдан иборат.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: «Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан «Файзобод» маҳалласида ўтказилган хайрия тадбиридан лавҳалар.



шифокорлари ҳамкорлигида «Файзобод» маҳалласида истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли педиатр, терапевт, офтальмолог, жарроҳ, гинеколог, эндокринолог,

Танловлар БИДИМДОН КУТУБХОНАЧИЛАР

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА РЕСПУБЛИКАМИЗДА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР, ТУРЛИ МАВЗУЛАРДАГИ КЎРИК-ТАНЛОВЛАР МУНТАЗАМ ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Кўзи оқизлар жамяти марказий бошқаруви раёсати ҳамкорликда «Энг меҳрли кутубхоначи» кўрик-танловини ўтказмокда.

—Ушбу танловни республикамизда илк бор ташкил этмокда,—дейди Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кутубхоналар ва музей ишлари бошқармаси бошлиги ўринбосари Улмуҳоммад Нарзуллаев.— Асосий мақсад, яқинлашиб келаётган кўзи оқизлар кунини кенг нишонлаш, кўзи ожиз китобхоналарга хизмат қилувчи кутубхоналар фаолиятини яхши йўлга қўйиш, ижодкор, билимдон, фидойи кутубхоначиларни аниқлаш ва уларнинг тажрибаларини оммалаштириш, кутубхоначиларнинг маҳорат мезонини аниқлаш ва уларни моддий-маънавий томондан қўллаб-қувватлашдан иборат. Шунингдек, ногирон ўсмирлар ва ўқувчиларнинг мактабдан ташқари вақтларини унумли ўтказишга эришиш, уларнинг миллий қадрият ва анъаналаримиз моҳиятини тушунишларини таъминлашни кўзлаганмиз. Танлов ҳар йили шу пайтда бошқича-бошқич маълум шартлар асосида ўтказиб борилади. Танловнинг якуний бошқичи жорий йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган. Ҳозирда Республика танловини ўтказишга катта тайёргарлик ишлари кетмокда.

Мухтасархон ҚАРИМОВА

Кураш

САНТО-ДОМИНГОДАН ХУШХАБАР

АВВАЛ ХАБАР БЕРГАНИМИЗДЕК, 17-19 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ САЙЁҲЛИК ЎЛКАСИ БЎЛИШИ — ДОМИНИКАН РЕСПУБЛИКАСИ ПОЙТАХТИ САНТО-ДОМИНГОДА КУРАШ БЎЙИЧА 20 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЁШЛАР ЎРТАСИДА IV-ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БАҲСЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Христофор Колумб юрти ҳақиқий кураш байрамининг гувоҳи бўлди. Бундай нуфузли мусобақанинг, бу қитъада ўтказилиши ҳам бежиз эмас албатта. Курашнинг Олимпия ўйинлари сари одимини тезлатишда, бу мусобақанинг ҳам ўз ўрни бор. Чунки Олимпия ўйинларининг талабларидан бири, ушбу спорт тури бўйича ҳар бир қитъада жаҳон чемпионати ўтказилиши жоиз. Курашимиз ушбу

чемпионат орқали яна бир Олимпиада шартини амалга оширмокда. Бундай нуфузли турнирда дунёнинг 20 та давлатидан келган полвонлар гилламага чиқдилар.

Мамлакатимиз шарафини ҳам қўли полвонларимиз ҳимоя қилдилар ва шода-шода медаллар билан юртимизга қайтиб келдилар. Йигитлардан қолишмас Барчиной қизимиз Машҳура Полвонова мутлақ вазн тоифасида олтин медални қўлга киритган бўлса, 90 килограммга вазнда Ботир Қобиллов кумуш, 66 килограммга вазнда Сўҳроб Худойбердиев кумуш, 60 килограммга вазнда Элбек Очлов ва Фазлиддин Меилиев бронза медалларга сазовор бўлдилар. Чемпионат доирасида КХА нинг навбатдаги конгресс йиғилиши ҳам бўлиб ўтди.

Ғули ЧЕХРА

МУКОФОТ ЎЗ ЭҒАДАРИГА ТОПШИРИЛДИ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ КИЕВДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА «ФОТОБИЕНАЛЛЕ — 2005» ТОШКЕНТ ХАЛҚРО БАДИИЙ СУРАТЛАР ТАНЛОВИ СОВРИНОРЛАРИ БЎЛГАН УКРАИНАЛИК СУРАТКАШЛАРГА МЕДАЛЬ ВА ЭСДАЛИК СОВГАЛАРИНИ ТОПШИРИШ МАРОСАМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Турли мамлакатлар сураткашларининг 213 та асари намойиш этилган танлов Тошкент фото уйи томонидан ташкиллаштирилиб, Халқро фото санъати федерацияси (FIAP) шаъфелигида ўтказилган эди. Ушан-да Украинанинг икки нафар аъзоси совриндорлар қаторидан жой олган. Тақдирлаш маросимида Украина ҳукумати аъзолари, дипломатия корпуси, ўзбек диаспораси вакиллари, санъатшунослар ва журналистлар иштирок этди.

«Август» суратининг муаллифи — Любовь Савельева кумуш медаль, львовлик Олег Огородник эса «Кекса чол» асари учун махсус совға — ўзбек миллий услубида тайёрланган ва безатилган ваза билан тақдирланди.

Маросимда сўзга чиққан сураткашлар Тошкент фотобиеналесининг мавқеи ҳамда унда намойиш этилган асарларнинг сифатига юқори баҳо берди. Уларнинг айтишича, бир асрдан зиёд тарихга эга бўлган ўзбек фото мактаби ривожланиш учун улкан салоҳиятга эга.

— Ўзбекистон FIAP аъзолигига яқиндагина қабул қилинганга қарамай, қисқа муддат ичида қўллаб фото санъати ихлосмандлари қалбидан муносиб жой олишга улгурди,— деди Л.Савельева.

«Жаҳон» АА Киев

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Киска муддатларга квартираларни ижарага бераман. Телефон: 127-62-48.

«Асака» банк Тошкент вилоят филиали қонунда ўрнатилган тартибда ҳужжатлар, қимматбаҳо қоғозлар, заргарлик буюмлари ва бошқа қимматликларни сақлаш учун депозитар янгейсаларни ижарага беради. Ойлик ижара ҳақи 1200 сўмдан 1680 сўмгача. Телефон: 120-84-04, 120-84-08.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якунбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ
Буюртма Г- 1207

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3962 нумрада босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига
муурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер
марказида терилди ва сақланади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.